

СИРОЖИДДИН САЙИД

# КҮКСИМДАГИ ЗАНГОРЛАРИМ


*Шеърлар*

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2004

84(55)6-5 Узб. бəдии 24261

«Кўксимдаги зангорларим» – шоир Сирожиддин Саййиднинг янги шеърларидан тузилган тўплами. Бу китобида ҳам у ўзи сув ичган дарёлар, гул узган чаманларию тоғу даштларига содик қолади. Шоирнинг шеърлари кўнгил мактабида кўнгил сабоқлари жараённада дунёга келган. Ҳаёту тирикликтининг мангу мавзулари – меҳру муҳаббат, Ватан, барча инсоний кечинмалар унинг шеърларида оҳангларга айланади. Бу камтарона назмий гулдастаси ҳам, Сиз, азиз ўқувчиларга манзур бўлади деган умиддамиз.

10 31006  
2 82



С 4702620204-11 32-03  
M25/04/-04

© «Маънавият», 200

## СҮЗ ЙҮЛИ

Зим-зиё кечалар – сиёҳдонларим,  
Сомоним қайдаю қайда донларим?

Яшил адирларим тепа бўлдилар,  
Қирларим энкайиб ката бўлдилар.

Кутиб қолаверди мени туш кўриб  
Бир лойшувоқ уй ҳам бир ёғоч сўри.

Ўриклар баҳорда гулин тўккандай,  
Ўтинглар ўчоқда кулин тўккандай,

Мен шундай тўкилиб, олислаб кетдим,  
Бир сўз айтолмайин сўз излаб кетдим.

Бунда – бир муштипар, бир ғариб тандир,  
Менинг ҳаётимга тополмай тадбир,

Қараб қолаверди йўлларимга зор,  
Изимда синглимнинг қирқ баҳори бор!

Оlamda энг оғир – Сўзнинг йўлидир,  
Бу – тўкилиш йўли, кузнинг йўлидир.

Бу йўлда не ранжким кўрмиш жонларим,  
Энг аввал тортмишлар қадрдонларим.

Бориб бағрим очай тандир қўрига,  
Бошим қўйиб йиғлай ёғоч сўрига.

Қанча соғинчларни дилларим ичди,  
Бир шеър ҳижронида йилларим кечди...

2001

## СОФИНЧ ТОРЛАРИ

(*Муаллимларга*)

Боқсам йилларимнинг сардафтариға  
Сиз мудом камтару хоксор тургансиз.  
Менинг юрагимнинг кабутарига  
Ватан деган сўзни хатлаб берган Сиз.

Қуёшдан заррин ҳам зарҳалларига,  
Боқсам у йилларнинг саҳарларига:  
Менинг энг мунаввар, гўзал онларим –  
Она деган сўзни ёзган тонгларим.

Биз кетдик – севинч қувончларингиз,  
Фасллар, кечаю кундузлар бўлиб.  
Қолмиш оптимиздан кўзёшларингиз  
Мактаб томи узра юлдузлар бўлиб.

Шарҳлаб бермоқ учун меҳнатингизни –  
Сизнинг бир соатлик заҳматингизни,  
Қирқ минг чироғ билан кўп шамлар керак,  
Қирқ баҳор яна қирқ кўкламлар керак.

Илму эзгуликдан зиналар тиқлаб,  
Ҳар ўғил – болангиз, ҳар қиз – қумрингиз,  
Ўтдингиз дафтару китоб қўлтиқлаб,  
Дарсу сабоқларда кечди умрингиз.

Боқсам у йилларнинг сарҳадларига,  
Бирдан қайтгим келар саҳарларига.  
Софинч торларини чертар дилларим,  
Муаллималарим, муаллимларим.

Бугун Жаҳонгирлар мактабга борар,  
Меҳр чироғидир қароғларингиз.  
Оlamда энг улуғ, камтарин зотлар,  
Ҳеч қачон ўчмасин чироғларингиз.

2001

## ВАТАН ДЕСАМ...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,  
Бу диёрнинг кайвониси ою қүёш.

Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,  
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг заҳматлари, тақдирлари,  
Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари,  
Эй, онамнинг тупроққина тандирлари,  
Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанини зар тўнига енг этмишdir,  
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишdir.  
Яратганинг ўзи бугун тенг этмишdir  
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир – Бобурми ё?  
Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўнё,  
Кўриб келди, бундан сўнг ҳам кўрсинг дунё  
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,  
Бу диёрнинг кайвониси ою қүёш,  
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,  
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга,  
Дилни ўраб ғараз, риё – кўмирларга?  
Ҳавас қилиб яшант улуғ Темурларга,  
Эл билгайдир шонларини, шонларини.

2001

## НАВРҮЗОНА

Дил дилга сафар тутди,  
Эл элга назар тутди,  
Ой йилга саçар тутди.  
Наврүз келди оламга –  
Кўк ерга хабар тутди.

Ай, менинг кутганларим,  
Кўзимга суртганларим,  
Кўрклигим – куртакларим,  
Новдаларда уйғониб,  
Оламни туртганларим.

Дил дилга тор бўлгайдир,  
Эл элга ёр бўлгайдир.  
Бу – наанбаҳор бўлгайдир.  
Менинг дафтарларим ҳам  
Бинафшазор бўлгайдир.

Гул, райҳон исли диёр,  
Бугдой нон исли диёр,  
Ширмой нон исли диёр,  
Осмонлар эркалаган,  
Ой, қуёш юзли диёр.

Менинг порлоқ эшигим,  
Улуғим ҳам кичигим,  
Айвонингда эшиитдим:  
Онам сувлар сепганда  
Япроқ ёзган бешигим.

Нур ўйнар танга-танга,  
На армон жон ва танда.  
Асал, новвот ҳам қанддай  
Фарзандларинг туғилар –  
Ҳар бири бир Ватандай.

## СЕВИНЧ

Сўқмоқлари қуёш томон,  
Ой томон чопган юртим,  
Тупроғидан авлиёлар  
Ой, қуёш топган юртим.

Ўхшаб турган ботирларга,  
Бу тоғлар ҳам адирларга,  
Зарбоғ-зарбоғ кечалардан  
Чопонлар ёлган юртим.

Қувнаб – айтган байтларимдан –  
Қумрилари лабларимдан,  
Кийиклари қошлариму  
Кўзларимдан ўпган юртим.

1999

## ДИЛБАНДЛАР

Сиз элнинг тиллоси, тойгиналари,  
Тиниқ жилғалари, сойгиналари.  
Ота-онангизнинг асал, қандисиз,  
Юртнинг қуёшгина, ойгиналари.

Ҳаёт мангу бедор – огоҳингиз у,  
Сиз яйраб ўсгувчи қучоғингиз у.  
Дунёлар яратар нигоҳингизу,  
Қаро қошингизнинг ёйгиналари.

Битта кулгунгизга умрлар кетар,  
Қанча қүёшлару қамарлар кетар,  
Мен сизни ўйласам – жимиirlаб кетар  
Қалбимнинг энт иссиқ жойгиналари.

Ҳали капалакдан қанот изларсиз,  
Кўзмунчоққа боқиб, новвот изларсиз.  
Бу чаман сизники, асли сизларсиз  
Ўзбекнинг энг катта бойгиналари.

2002

## АСРБЕК

Аср билан туғилғанлар  
Осмонларга тенг бўлсин,  
Ҳар ўғлони бул Ватаннинг  
Султонларга тенг бўлсин.  
Аср янглиғ умр берсин  
Асрбекка юз йиллар,  
Улгайсину Алпомишдай  
Полвонларга тенг бўлсин!

1.01.2000

## БУ – СЕНИНГ УЙИНГДИР...

Баъзан боғларимни  
Чулғар хавотир,  
Баъзан Ер шаридан  
Оғирдир ўйим.  
Оlam – бир осмон,  
Бир обу ҳаводир,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг ўйим.

Бу дашту далалар,  
Боғлар ҳам мендан,  
Бу тупроқ – буғдой бўй,  
Ҳандалак бўйим.  
Сенинг кўксингдаги  
Доғлар ҳам мендан,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг ўйим.

Сен Ватан дейсану  
Порлар юзларинг,  
Менинг юртим ҳам ўз  
Рангу рўйимдир.  
Талпиниб келгувчи  
Ўғил-қизларинг –  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг ўйим.

Сенинг осмонўпар  
Биноларингдан  
Силкинді менинг ҳам  
Чинордай бўйим.  
Дарз кетди менинг ҳам  
Минорларимга,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Баъзан назар солсанг  
Ўзга юртларга,  
Бағри тўлиб ётар  
Олов, дудларга.  
Одамзот кетмоқда хор,  
Уюм-уюм,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Менинг ука-синглим  
Сенга ҳам ука.  
Синглинг тўй қиласа гар –  
Менинг тўйимдир.  
Замин – қон-қардошлар  
Йиғилган ўлка,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Менинг ҳам шаҳримнинг  
Кўксида доғлар,  
Узмоқчи бўлдилар  
Бошлаган куйим.  
Денгизлар ортидан  
Боқдингми бир бор:  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Дунё томи узра  
Нурли ҳалқалар,  
Тинчлик – эрмак эмас  
Ва ё бир ўйин.

Айтсалар бирлашиб  
Давлатлар, халқлар:  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уим.

Мен йироқ кетсам гар,  
Үргангай онам,  
Сенинг ҳам волиданг  
Йиғлагай юм-юм.  
Оналар интизор турган  
Шу олам —  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уим.

2001, 11.09 – 4.10.

## ИНСОН

Бир құлда қуролу  
Бир құлда Қуръон,  
Сен қандай манзилга кеб қолдинг, инсон?  
Қасри бунёдингни барбод айласант,  
Билиб бўлмаса гар —  
Қайсинг мусулмон.

Бир қўлда қуролу  
Бир қулда Инжил,  
О, инсон,  
Энг аввал ҳаддингни билгил.  
Бир-биринг айласант гар хонавайрон,  
Билиб бўлмаса гар —  
Қайсинг носарон.

Лекин жаҳолатнинг миллати бўлмас,  
Разолатнинг дину элати бўлмас.  
Буни тан олгайдир Ҳилол, Хочинг ҳам,  
Сўра, йиғлаб айтар тўқу очинг ҳам.

Сени яратганда қудрату кучин  
Кўрсатиб, Яратган кўп карам қилган.

Унутма,  
Энг эзгу амаллар учун  
Сени Ер юзида мукаррам қилган.

2001

\* \* \*

Менинг шеърим нима?  
Қалдирғоч оҳи.  
Майсадек синглиминг  
Шабнам нигоҳи.

Отам қуриб кетган  
Үй синчларири.  
Онамнинг қирқ йиллик  
Софинчларири.

Қанча боғ дилимдан  
Кўчар-да кетар.  
Қалдирғоч ҳам бир кун  
Учар-да кетар.

Шеърим балки севги  
Сатрларири.  
Беор санамларнинг  
Атирларири.

Баланд пошналарга  
Санчилган кабоб.  
Ҳарир кўйлакларга  
Ўралган сароб.

Она, бошим қўяй  
Изларингизга.  
Ажинлар экдим мен  
Юзларингизга.

Не топдим дунёдан  
Айтиб тарона?  
Сўзга ўғил бўлдим,  
Сизга бегона.

Айтинг, бу лолазор  
Қирни не қилай?  
Кўнгил – бу меҳрсиз  
Ерни не қилай?  
Ёмғирли кунларда  
Сизга бир калиш,  
Патак бўлолмаган  
Шеърни не қилай?

2001

## СУРХОННИНГ ҚАНТАК ЎРИГИ

Барглар аро олтин-олтин  
Ой томади.  
Сўримизга кечалари  
Бол томади.

Болалигим, соғинчларинг  
Олдир сенинг.  
Болишимда сўлакларим  
Болдир менинг.

Мен шоҳ эдим бир боғ қизу  
Ҳам арига.  
Сени териб бердим Гулнор,  
Гулпарига.

Етар эди уларга бир  
Имогинам.  
Меҳр эди бу дунё ҳам  
Момогинам.

Тилло дейми сени ёки  
Тилложонми?  
Қантак ўрик, энди сен ҳам  
Бир армонми?

Сўримизга кечалари  
Ой томади.  
Ортга боқсам, юзларимни  
Сой кўмади.

Қантак ўрик, қайда қолди  
Қўнғизларинг,  
Гулкезларинг, гулюзларинг,  
Гулқизларинг?

Ўз боғидан кимки тонди,  
Ўсал бўлди.  
Сени тотган қизлар бари  
Асал бўлди.

2001

### ТУФИЛГАН ЕР

Куёш сиғмас ҳовлига,  
Томлар узра йўли бор.  
Зардолингнинг болида  
Кизчаларнинг тили бор.

Ҳар бир сўринг, ҳар кўчанг  
Момоларимдай ўйчан.  
Бобомдайин буқчайган  
Токларингнинг бели бор.

Мен босганча манглайим,  
Қўлим билан тингладим.  
Дилим билан англадим:  
Тошларингнинг дили бор.

Чўнтакларим – хаёллар,  
Ичи тўла шамоллар.  
Уларда алифболар,  
Дарсликларим пули бор.

Мактаб боғи яйрайди,  
Дафтаримга қарайди.  
Ҳар бир барги сайрайди,  
Богининг булбули бор.

Дилда недир улғаяр.  
Шоир бўлиб кетсам гар,

Бунга шу дашту қирлар,  
Осмонларнинг қўли бор.

Ҳали қанчалар ҳижрон  
Мени қилгайдир меҳмон.  
Юзингизда, онажон,  
Ёмғирлари, сели бор.

Мен юрсам-да йироқда,  
Ҳар баҳор бир фироқда,  
Дилимнинг шу тупроқда  
Очилгувчи гули бор.

2002

## ҚИРҚ БАҲОР РИВОЯТИ

Кўхна дўстларингдай кўкда ой, қуёш,  
Қирқ ёш, соғинчмидинг ва ёким бардош?  
Ярми иссиқ, ярми совуб қолган ош,  
Сойми, соҳилми ё сайҳонми, қирқ ёш?  
Бари бир-бирига ҳайронми, қирқ ёш?

Сен тонг деб кутганинг шом чиққандайин,  
Ўрган арпаларинг хом чиққандайин,  
Ҳам тинган ёмғиру ҳам чақиндайин,  
Ранги сал униққан кўйлагим, қирқ ёш,  
Эрта нелар дея ўйлагум, қирқ ёш?

Ярми оқ, ярмиси зангор тепалик,  
Унда гулхан ёнар, ёни – капалик.  
Бир йўлчи отланар – қундуз телпаклик,  
Бир тунда зор-маҳзун бўлганим, қирқ ёш,  
Қирларда қолганим – гулханим, қирқ ёш.

Изҳор дейинмикин ва ё изтироб.  
Севинчми, саодат, севгими, сароб?  
Ярим кўнглим обод, ярмиси хароб,  
Яшил ҳам заъфарон кўкламим, қирқ ёш,  
Ичи тўла ҳижрон тўпламим, қирқ ёш.

Бу – бир кенг саҳрова қолган пайтдайин,  
Армон, қушларингта не деб айтайнин?  
Олдга юрайми ё ортга қайтайин?  
Менинг висолим ҳам фироғим, қирқ ёш,  
Шабнамга ғарқ бўлган қарогим, қирқ ёш.

1999

## АЙВОНДАГИ МУСИЧА

Нега ҳофиз бўлмагансан, мусича,  
Шу беҳаё нағмаларнинг кўзича?

Қодирийни кўриб келган қушдайсан,  
Сен – Кумушнинг юрагига ўхшайсан.

Мўлтири-мўлтири қарайдирсан боғларга,  
Чувалашиб юрган майна, зоғларга.

Ёркентлардан етиб келган хатмисан?  
Ё Фурқатдан ёдгор қолган дардмисан?

Оlam қанча алам кўрган, ғам кўрган,  
Сенингдайин хоксор қушни кам кўрган.

Каломингда бўлмас эди нуқсонлар,  
Балки ибрат олар эди инсонлар.

Бизнинг тилда гапирсайдинг, нетардинг?  
Бир ўзбекча ашуналар айтардинг.

2002

## НАВОИЙ ТУФИЛГАН КУН

Ҳар кўнгил ишқ ичра пок  
тийнат бўлар кундир бу кун,

Битта сўз олам аро  
зийнат бўлар кундир бу кун.

Тийра дунёга зиё сочгай  
мунааввар бир исм,

Бир исмдан бир улус  
миллат бўлар кундир бу кун.

2002

## ТО НАВОИЙ БОР...

Биз Навоий боғининг боғбонимиз,  
Боғбондирмиз, vale меҳмонимиз.

Бул – «Насойим ул муҳаббат» боғидир,  
Беш асрким биз бу боғ ҳайронимиз.

Қанча меҳмон ўтди, лек мезбон ўшал,  
Барча меҳмон ичра биз нодонимиз.

Мир Низомиддин Алишер, яъниким  
Сўз аро осмонимиз, уммонимиз.

Тил – «Хазойин ул маоний»дан келур,  
Бошланур шундан адаб карвонимиз.

Паст эрурмиз билмасак ул зотни гар,  
Қанча юксалган билан қўрғонимиз.

Не хавотир ичра эл шоирлари,  
Гар савол этгай букун сultonимиз.

То Навоий бор – муҳаббат дилладир,  
Сўлмагай ҳаргиз кўнгил бўстонимиз.

Шул исмдан юрт аро юз минг умид,  
Шул исмдан нурланур давронимиз.

Қадр этайлик нону туздай ҳар сўзин,  
То ризо бўлгай улуғ мезбонимиз.

2002

## НАВОЙЙНИ ЎҚИШ

(Нұтқ)

Ҳар бир калла,  
Ҳар бир бош  
Жаҳолатдан құрқиши керак.  
Ҳар бир бола, ҳар бир ёш  
Навоийни ўқиши керак.

Ҳар бир ота,  
Ҳар бир мүйсафид  
Умр ҳикматларин күрсатиб,  
Нағс арқонларин қирқиши керак,  
Фарзандлари, набирасига  
Навоийни ўқиши керак.

Бир болага – бутун мамлакат,  
Баъзан эса қирқ қиши керак.  
Бешиклардан тушиб болалар  
Навоийни ўқиши керак.

Сиз дейсиз: Йўл топиши керак,  
Уй қуриб, пул топиши керак,  
Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Самарқанду Бухоро, Термиз  
Тўйларида барчамиз жаммиз.  
Бизлар ахир кимлардан каммиз?!  
Элга олам олқиши керак,  
Оламга тик боқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Берунийлар, ибн Синолар,  
Улугбеклар, Бобур Мирзолар  
Қуриб кетмиш қандай бинолар!  
Ёш кўнгиллар қалқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Ватан азал битта Ватандир,  
У биз учун сўлмас чамандир.  
Шул сабабдан бола чоғлардан,  
Майса чоғлар, лола чоғлардан  
Ўзни уриб, юлқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак,  
Дилга недир юқиши керак!

2002

## ТАРИХ

Ҳали Бобур олисда,  
Бобур унда ёш маҳал.  
Ҳали ғариб Ҳиндистон –  
Курилмаган Тожмаҳал.

Само – сўнгсиз хавотир,  
Тийрамоҳ – тийра лашкар.  
Темурийлар чинорин  
Барглари сийраклашган.

Мироншоҳ йўқ. Улуғбек  
Самарқандда қўйилган.  
Бадиuzzамон қайдা?  
Мўмин Мирзо сўйилган.

Нечун Ҳирот устида  
Осмон қаро, ой қаро?  
Ҳадиҷабетим дилгир,  
Уйғоқ ётар Бойқаро.

Салтанат – ранги аста  
Сўнаётган жавоҳир.  
Олтмишга кирмоқдалар  
Мир Алишер Навоий.

2002

## ОНА ЮРТ

Она юрт Ўзбекистон  
Олтинга топилмагай.

Ш. Ж.

Баланд-баланд тоғларда  
Бекорларга қор бўлмас.  
Чирқираган полапон  
Бежиз бир кун сор бўлмас.  
Бўталари изидан  
Келмаса гар нор бўлмас,  
Юртинг — сенинг юзингдир,  
Юртнинг ўзи бор бўлмас.

Оламга боқ — қанча боғ,  
Қанча гулу чамандир.  
Бир томони Чин-Мочин,  
Бир томони Ямандир.  
Бир жисм — жону тандир,  
Ватан битта Ватандир,  
Қаён борсанг — онангдай  
Йўлларингга зор бўлмас.

Ўзингники шу гулшан  
Ё куйинсанг ё суйсанг.  
Дил кўзига жойлаштири  
Ҳиллоларин «ё» син сан,  
Атлас либос бир ёрнинг  
Зулфларига осилсанг.  
Бу дунёда бўйнингга  
Бундан гўзал дор бўлмас.

Оқ ҳавога бурканмиш  
Ариқларнинг бўйлари.  
Согинч бўлиб таралмиш  
Сингилларнинг ўйлари.  
Бунда — кўнглинг тўйлари,  
Бунда — кўнглинг куйлари,  
Терагингдай ёр бўлмас,  
Толингдай дилдор бўлмас.

Ном қолдирсанг, изингдан  
Шавкат ҳам шаън қолдирсанг.  
Тупроғига орингни  
Сен тан-батан қолдирсанг,  
Ҳар бир ўғил-қизингга  
Эрку Ватан қолдирсанг,  
Мардлар минган отларинг  
Номардларга хор бўлмас.

2001

## ДЕҲҚОН МАДҲИЯСИ

Тун чоғида томингга  
Томчилаган ёмғирдир.  
Бир томчиси – севинчу  
Бир томчиси – оғриқдир.  
Дастасига сифмайин  
Ерни кўмсар кетмонинг,  
Умринг – дашту далангнинг  
Меҳнатлари оғирдир.

Чопонингда тупроғу  
Заҳматларнинг иси бор.  
Юзларингда – минг ташвиш,  
Қисматларнинг изи бор,  
Одам Атодин қолган  
Ҳикматларнинг изи бор,  
Бу ҳикматни билмаган –  
Ўз юртига сағирдир.

Ким ўйлади оламни,  
Сен ўйладинг далангни.  
Даланг бирлан ўтказдинг  
Ёмғир, селу жалангни,  
Бозорларга кўз тикдинг  
Ўқитолмай болангни,  
Тақдир – гоҳ кўю кўзи,  
Гоҳ сут бермас тарғилдир.

Пайкалларга ўтидан  
Базм бергай қуёшинг.

Бу бир қизғин базмким,  
Синалгайдир бардошинг.  
Кетмон – сенинг йўлдошинг,  
Еринг – сенинг дилдошинг,  
Терларинг шароб булгай,  
Қўқ чойларинг чоғирдир.

Тупроқ билан дардлашмоқ  
Бу – қадимий бурч, шараф.  
Сен-чун асли бу даврон,  
Сенга бўлсин бу шараф.  
Ким етишди, ким етди,  
Ким бўлмади мушарраф,  
Ўзбекистон, онажон,  
Мангу иссиқ бағирдир.

2002

## ШАМ

*Шафоат Раҳматуло Термизийга*

Менинг мұхаббатим – тупроғимдадир,  
Тупроқ кўчмас бўлур, мен ҳам кўчмайман.  
Бир жуфт қалдирғочим қароғимдадир,  
Улар учиб юрар, мен-чи, учмайман.

Асли мушқул ишга мен кўнгил қўйдим,  
Умримни гоҳ хаёл, гоҳ тушга йўйдим.  
Сўз ичра кўкариб, сўз ичра куйдим,  
Ўздан кечдим, лекин сўздан кечмайман.

Ёшлиқ ўтди кетди – ул оппоқ тулпор,  
Ундан қирлар аро қолмиш оқ губор.  
Юзларинг лолага ўхшарди, эй ёр,  
Гулгун шаробингдан энди ичмайман.

Гарчи хасдан баланд, касдан камдирман,  
Дўстим, сенга ёндош қувонч, ғамдирман.  
Термизий бободан қолган шамдирман,  
Минг йил пуфласант ҳам асло ўчмайман.

2002

## **ҮЙФОҚ ЙЎЛЛАР**

Тошкентдан Сурхонгача,  
Хоразм, Қўқонгача  
Чироқлар кетар қатор,  
Йўллар, манзиллар бедор.  
Оlam — сўнгиз сукутда,  
Донг қотган мусофиirlар.  
Ухламайди бу юртда  
Шоирлар ва шофиirlар.

2002

## **ЧУМОЛИГА ҲАЗИЛ**

Бу дунёда фақат меҳнат,  
Заҳматни билган чумоли.  
Онам ёлган кулчаларга  
Илашиб келган чумоли.

Юрган эдинг уйимизда,  
Гоҳ томугоҳ сўримизда.  
Қавминг сени излар ҳали,  
Тополмайин йиелар ҳали.

Зерикдингми турмушиингдан,  
Қочдингми ё юмушиингдан?  
Бўйнимда жонинг уволи,  
Тошкентга келган чумоли.

Сени нима қилсан экан?  
Кошки ўзим билсан экан.  
Элтайми боғ, гулзорига,  
Ё мардикор бозорига?

Сен ўқишига киролмайсан,  
Асло вазир бўлолмайсан.  
Дунёнинг ожиз саволи,  
Тошкентга келган чумоли.

Ростин айтсан, қотди бошим,  
Ош бўлмас ҳеч еган ошим.

Яххиси, кет маконингга,  
Жўнатаин Сурхонингга.

Шириналар, мойлар қўйсам,  
Сени ипсиз бойлаб қўйсам,  
Жиянимнинг халтасига  
Билинтирмай жойлаб қўйсам.  
Бу ишларга бўлма ҳайрон,  
Яхши боргил, чумолижон.

Сен кетдингу тоғдай ўсдим,  
Кечир, агар кўнглинг буздим.  
Мен сен ҳақда шеър ёзайин,  
Сен ишлагин бориб, дўстим.

2001

## ҚЎПЛАРДАН ҚОЛГАН КОВУШ

(«Афанди» газетаси учун)

Дунёйи дун ҳам гоҳо бир Афандига ўхшайди: гул сўрасанг мол беради, мол сўрасанг — чориқ тутади. Одамлари ҳам афандисифат: меҳнат қилгиси, жонини койитгиси келмай нон егиси келади, нон егиси бор-у, ишлашни хоҳламайди. Шул сабаб бу ҳаётда қизиқ, ғалат ишлар рўй бериб турмоғи табийи. Шу сўзларни ёзаётуб, «Афандининг кўзёшлиари» деган бир туркум қилсанмикин деб ҳам ўйланиб қолдидим...

Бир пайлар, Мирзо Бобур айтганларидек «йигитликнинг авонида» уззукун телефонда гаплашишни яхши кўрадим. Бунинг учун ўша даврларда энг машҳур «Гулистан» журнали идорасига келиниши, ёзувчи акамиз Эркин Аъзамнинг кабинетига кирилиши керак эди. Телефонини кўп банд қилаверганимдан бир куни астойдил: «Жон ука, шу телефонни бўйнингга осиб юр!» деб ҳам айтган. (Унда ҳозирги инжа-нозик қўл телефонлар йўқ эди.) Ҳуллас, телефон ҳақида яна бир қизиқ ҳангома бўлган, уни кейин айтаман.

Ёзув-чизувга келсак — ҳажвий шеърларга унча лаёқатим йўқ. Мавлоно Завқий, Муқимиylардек қойилмақом қилиб ёзолганимда эди. Лекин, ҳаёт экан-да, баъзан бир ҳолат-

лар, кишиларни кўрганда ўз-ўзидан ҳазил-хузул нималар-дир қораланиб қолади... Бинобарин, буларни шеър деб эмас, қораламалар деб қабул қилгайсиз...

## ДОНИШМАНДНИНГ КЎЗАСИ

Оҳ бечора кўза,вой бечора кўза,  
Тош тушиб синдириган бечора кўза.  
Тошга тушиб синган бечора кўза,  
Оҳ бечора кўза,вой бечора кўза!

## ОМАД

Дунёда кўп нарса омадга боғлиқ,  
Гоҳ Тошмат, гоҳида Шоматга боғлиқ.  
Майли, ҳар на қилсанг қилгил,Худойим,  
Қилмагил ҳеч қачон номардга боғлиқ.

## УМР

*Журналист Абдулла Пұлатовга*

Деманг: умрдан баҳору ёзу куз ўтди,  
Қини қолибди-ку!  
Иш қолмаган бўлса ҳамки, Абдулло ака,  
Тиш қолибди-ку!

## АҲВОЛ

Оlamda бир ғалат жонлар юрибди,  
Ким тикка, ким эса ёнлаб юрибди.  
Калта иштон киймиш бир даканг хўroz,  
Шим кийган товуқлар донлаб юрибди.

## БОЗОР

Бозор тўндан кириб яктақдан чиқар,  
Ҳар хил гап соғ билан тентакдан чиқар.  
Кўнгилда пул нима қилади, нодон?  
Пул кўнгилдан эмас, чўнтақдан чиқар.

## **АҚЛ**

(*Андрей Вознесенскийдан*)

Булбулнинг жигарин гар  
Еса Ер аёллари,  
Миялари ёришиб  
Кўпаяр ақллари.

Бу ғалат дунёсида  
Зоҳири ботинлар кўп.  
Булбуллар кам шул сабаб,  
Ақлли хотинлар кўп.

## **ЖОНЗОТ**

Дуч келган ҳар чуқур асло жар эмас,  
Сен бир жонзотдирсан, гарчи хар эмас.  
Сен ўйлаганчалик кўр эмас даврон,  
Сен ўйлаганчалик замон кар эмас.

## **ИНСОН ВА ДУНЁ**

Инсон умри оламда  
ярқ этган бир товушдир,  
Дунё надир — кўплардан  
қолган эски ковушдир.

2002

## **«ТАЛАБАЛИК ОЧЛИК ДАВРИМ»**

(*Ҳазил*)

Уч кундир оч яшайман  
Термулиб қотган нонга.  
Чўнтакнинг ҳам «қорни оч»,  
Мадад беролмас менга.  
Девордан жилмаяди  
«Олтин талабалигим».  
Қарайман, хўрсинаман,  
Хўрсиниб қўяр қорним.  
Стипендиянинг «қотили»

Ана, қирқ сўмлик туфли,  
Бақрайганча қарайди  
Менга даҳлиздан туриб.  
Ял-ял ёниб курсдош қиз  
— Кинога, — дейди, — юринг!  
Кинога бало борми,  
Қорни тўқ-да, аblaҳнинг!  
Отам берган пулларнинг  
Китоб олдим барига.  
Кулбам мени сир тутар,  
Яширгандай бағрига.  
Суратимга қарайман,  
Бир нарса деб бўлмайди.  
Китоб — дўстдир, валекин  
Китобни еб бўлмайди.  
Таниш шоир келади,  
Кўзойнаги ялтирас.  
Баччагарнинг қорни оч,  
Мени ғам босар баттар.  
У ҳам кириб ўлтирас,  
Англагандай ноламни.  
Тор кулбада шеър ўқиб,  
Сайр этгаймиз оламни.  
Шеърият қанотида  
Тоғлар, сойлар кечамиз.  
Қотган нонни бўқтириб,  
Бирга чойлар ичамиз.  
...Ярим тун, қўзғалару  
— Яхши қол, — деб жўнайди.  
Кўзойнаги ялтирас,  
Осмон юлдуз ўйнайди.  
Ўша кеча, тор ҳужра,  
Фақиргина кўйлакда,  
Шоирлик, талабалик  
Тутинди ака-ука.

1977

## **ШЕҮРИЯТГА КИРИШ**

Хар ким шеъриятга ҳар хил киргайдир,  
Биروف кириб келар рубоби билан,  
Биروف секин чалиб күнгил найини,  
Биروف – кетмөнию мироби билан.  
Шарму ҳаё билан киргайдир биروف,  
Күнгилда инсофи – ҳижоби билан.  
Биروف ёңғин бўлиб кирмоқчи бўлар,  
Биروف – салқин туну маҳтоби билан.  
Биروف гуноҳларин шунда тўккайдир,  
Биروف – яхшилиги, савоби билан.  
Биروف – калласию биروف – танаси,  
Биروف – чойи билан, шароби билан.  
Биروف этикларин ечгайдир шунда,  
Кетгай ялангоёқ, шитоби билан.  
Биروف жумбоқ бўлиб кирмишдир, қаранг,  
Яшар устозларнинг хитоби билан.  
Роҳат топайин деб киргайдир биروف,  
Биروف эса кирап азоби билан.  
Шеърият, укалар, ўзга лунёдир,  
Кирманг бу дунёнинг ҳисоби билан.

2000

## **БИЗНИНГ ФАЗАЛ**

Бизнинг fazални ёзмиш кўчалар,  
Ойдин кечалар, хилват гўшалар.  
Бизнинг fazалнинг гоҳи фунчадай,  
Гоҳи қушчадай тарзгинаси бор.

Бизнинг fazалнинг ҳаммаси – ҳавас,  
Баъзан майсадир, баъзан эса – ҳас.  
Кафтингта олиб тикилсанг бир пас  
Ялпиз тилидай баргинаси бор.

Баҳридан ўтдик қанча асалнингт,  
Дарсидан ўтдик қанча гўзалнинг,  
Хижолат бўлманг – бизнинг fazалнинг  
Яна бир дунё дарсгинаси бор.

Гоҳи рақибдан, гоҳи ёрондан,  
Гоҳи яхшию гоҳи ёмондан,  
Гоҳи жаҳондан, гоҳи замондан  
Унинг озгина арзинаси бор.

Биз ёрдан кечсак, у ёр дегайдир,  
Биз – бекарор, у қарор дегайдир,  
Куз чоғимизни баҳор дегайдир,  
Гоҳ шундай нозик таъбинаси бор.

Бизнинг ғазалгоҳ асаларилик,  
Гулми ва ё гул тиканларилик.  
Ҳазрат Навоий айтганларилик:  
Қофиясида айбинаси бор.

Умид узилмас, барглар узилгай,  
Гарчи ой-кунлар, йиллар чўзилгай,  
Бир кун ёзилгай, албат ёзилгай  
То бу кўнгилнинг дарзинаси бор.

2001

## ШЕЪРИЯТ

Бунчалар улуғсан,  
Оддий шеърият.  
Сен илоҳийсан, биз  
Моддий, шеърият.

Сен – муҳаббат кўшки,  
Ишқнинг айвони.  
Кўнгил билан руҳнинг  
Мовий осмони.

Сен – безавол гулшан,  
Мангу яшил боғ.  
Қанча шоир ўтди  
Юраклари доғ.

Улар олам юзин  
Ҳайрон этдилар.  
Кўнгил қони бирлан  
Алвон этдилар.

Күкларни тўлдирган  
Оҳларга қуллук.  
Навоийни суйган  
Шоҳларга қуллук.

Токи бу чаманзор  
Гулдир, райҳондир,  
Қанча Бобурларинг  
Барги хазондир.

Куйди, куяверди –  
Юлдузлар куйди.  
Усмон Носир кетди,  
Гул сўзлар куйди.

Яшаб юрибди-ку  
Қанча гаддорлар.  
Кетди Шавкат Раҳмон,  
Асқал Мухторлар.

Бир элнинг кўзини  
Ёшлади кетди.  
Мұхаммад Юсуф ҳам  
Ташлади кетди.

Бу шеърни ёзмоққа  
Бормади қўлим,  
Эй сен, гўзал ҳаёт,  
Эй гўзал ўлим!

Юлдузлардан келар  
Дил уришлари.  
Тингланг, бу дунёning  
Сўзфурушлари:

Ким сўз деб нафсига  
Нон берар фақат.  
Ҳақиқий шоирлар  
Жон берар фақат.

## УЗИЛГАН ТОРЛАР

Охунжон, Мұхриддин, Мұҳаммад Юсуф,  
Келдилар, кетдилар тарона тузиб.  
Энди түйларимда сизлар йўқсизлар,  
Қандоқ яшай энди мен кўнгил узиб?

Юлдузлардан излар сизни кўзларим,  
Юлдузларга кетган менинг дўстларим.  
Манглайим урилар синиқ созларга,  
Узилган торларга тегар юзларим.

Куйнинг ҳам насиба, ризқи бўлурми?  
Куйни ҳам авжид қирқса бўлурми?  
Ай сиз, булбулзабон, куйчи дўстларим,  
Кўшиқ ҳам шунчалар қисқа бўлурми?

Севгим – осмонларга учган оқ каптар,  
Сенинг қанотингга битайин хатлар.  
Ногаҳон қарайман: булатлар ғужғон,  
Ёмғирларда қолмиш бир шеърий дафтар.

Васлу ҳижронингга жон-жоним пайванд,  
Ҳаёт, пардаларинг бунчалар баланд!  
Гоҳо товуш етмас, гоҳо етмас сўз,  
Етса, овозларга ташлайсан каманд.

Улар яшадилар ошиқлар янглиғ,  
Кеча-қундуз очиқ эшиклар янглиғ.  
Кўшиқлари қолди фарзандларидаӣ,  
Фарзандлари қолди қўшиқлар янглиғ.

Ул кун Фарғонадан кетолмай қолдим,  
Узоқ ёлғиз кезиб, ўйларга толдим.  
Охунжон, Мұхриддин, Мұҳаммад Юсуф,  
Қандоқ кетай энди мен кўнгил узиб?..

2002

## БОТИР ЗОКИРОВНИНГ «РАЊНО»СИ

Тошканнинг манзилу маъвоси гўзал,  
Оlam чиройига даъвоси гўзал.  
Эсдан чиқиб кетди қанча қўшиқлар,  
Ботир Зокировнинг «Рањно»си гўзал.

Келиб кетди қанча куйчию ҳофиз,  
Бирлари нонсизу бирлари номсиз.  
Бир дардли, бир мунгли овози қолди,  
Ботир Зокировнинг «Рањно»си қолди.

Севгининг суманбўй хаёлими бу?  
Ёрнинг фирофи ё висолими бу?  
Қўшиқда аҳд ила паймони қолди,  
Ботир Зокировнинг армони қолди.

Насли Оврупоми, ҳинду ё фаранг,  
Энди бу нағмаю созларга қаранг.  
Шулар ҳам ўзбекнинг лолаларими,  
«Тошкент ироғи»нинг болаларими?

Айём шамоллари славеради,  
Бир нола бағримни тилаверади.  
«Рањно»ни соғиниб, «Рањно»ни сўраб,  
«Рањно»ни эшитгим келаверади.

Ел бўлиб келгандим – дил бўлиб кетгум,  
Ёмғирдай келгандим – сел бўлиб кетгум.  
Бошимда севгининг савдоси гўзал,  
Ботир Зокировнинг «Рањно»си гўзал!

2001

## ЎЗБЕКНИНГ «ЁР-ЁР»И

Ота уйнинг эшигидай эшик йўқ,  
Оlamни кез, Фарҳодингдай ошиқ йўқ.  
Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,  
Бу дунёда «Ёр-ёр»ингдай қўшиқ йўқ.

Ўстирганинг қизмиди ё гулмиди?  
Қиз күнглидан жаннатларга йўлмиди?  
«Ёр-ёр»ингдан титроқ тушиб ойларга,  
Кўшилишиб оқиб кетар сойларга.

Ҳеч юртда йўқ қайрилмақш янгалар,  
Остонангга сочса тилло тангалар.  
Ота эшик, қанча ифорларинг бор,  
Қизинг билан кетар баҳорларинг бор.

Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,  
Қанча нозик кўнгилчалар дил бўлар.  
Не кечгайдир бундан кейин ҳолларинг?  
Йиглар бу кеч теракларинг, толларинг.

Бошинг узра нурли фалак айланар,  
Осмон ўзи тутгай сенга ойналар.  
Дуо энди отанғандир, халқандир,  
Қиз болага бахту толе Ҳақданdir.

Майли, етти иқлиmlарда тўй бўлсин,  
Ҳар қарич ер ўлан бўлсин, куй бўлсин.  
Оlamни кез, бешигингдай бешик йўқ,  
Бу дунёда «Ёр-ёр»ингдай қўшиқ йўқ.

2001

## МАРСИЯ

Муҳаммад Юсуф...  
Муҳаммад Юсуф...  
Лабимда қолди  
Таронам менинг.  
Ҳавода қолди  
Қўлим гул узib.  
Энди керакмас  
Баҳонам менинг.

Бунчалар қалин  
Дунёнинг пўсти.

Буғдойдай хоксор  
Бир шоир ўсди.  
Ногоҳ бир хабар  
Тонгимни тўси.  
Титради олам,  
Йиғлади онам:  
— Боламнинг дўсти...  
— Боламнинг дўсти...

Сенми, шеърият,  
Сенми жон қадар.  
Дилдаги сўнгги  
Томчи қон қадар.  
Тупроқдай азиз  
Ҳам осмон қадар.  
Кўкни ўша кун  
Қалдирғоч босди  
Хоразмдан то  
Андижон қадар.

Ҳаёт — гоҳ бир баҳт,  
Бир омадгача.  
Ё мингта номард  
Ё бир мардгача.  
Тошкентдан токи  
Марҳаматгача,  
Кета кетгунча,  
Қиёматгача —  
Тераклар, толлар  
Қолди бўй чўзиб,  
Муҳаммад Юсуф...  
Муҳаммад Юсуф...

Куйлари қолди  
Тоғу тошида,  
Ўйлари қолди  
Ой-қўёшида,  
Булоқ бошида,  
Хирмон бошида,  
Ўзбекнинг қора

Күзу қошида.  
Бир шоир кетди,  
Бир шоир ўтди  
Бобур ёшида,  
Бобур ёшида.

Эй булбулларга  
Күй – ғазал, Ватан.  
Сен – абад Ватан,  
Сен – азал Ватан.  
Ким сендан юлди,  
Ким – ўсал, Ватан.  
Гул, асал Ватан,  
Сен юксал, Ватан,  
Сен юксал, Ватан,  
Үйлади боланг,  
Күйлади боланг  
Эй, гүзал Ватан!  
Эй, гүзал Ватан!

Биз уни – ёшу –  
Тупроққа қўйдик.  
Тупроқни қошу  
Қабоққа қўйдик.  
Тушми, деб аввал  
Рўёга йўйдик.  
Ўзи суйган шу  
Тупроққа қўйдик.  
Сўнгги сабр бу,  
Сўнгги сафар бу –  
Кўпроққа қўйдик,  
Кўпроққа қўйдик.

Чирқираб қўнмай  
Маконларига –  
Отадин ёдгор  
Айвонларига,  
Сингиллари ҳам  
Райҳонларига.  
Армонларига,  
Хижронларига –

Қўшиб жўнатди  
Руҳ, жонларига.  
Олиб кетдилар  
Қалдирғочлари  
Осмонларига,  
Осмонларига.

Айланар чархнинг  
Чархпалаклари,  
Алмасиб рангу  
Камалаклари.  
Қолди она уй  
Сумалаклари,  
Мажнунтолларнинг  
Жамалаклари.  
Нозима қолди,  
Мадина қолди –  
Капалаклари,  
Ҳандалаклари.

Дўсту ёр йўли  
Доим йироғдир.  
Гоҳи дийдору  
Гоҳи фироғдир.  
Дилбандларига  
Ватан қароғдир.  
Чин фарзандлар ҳам  
Ўчмас чироғдир.  
Хозир ҳам балки  
Жим ўйлаётир.  
Юртига шаъну  
Шавкатлар ёғдир,  
Ё, қодир Оллоҳ,  
Тупроқларига  
Раҳматлар ёғдир,  
Раҳматлар ёғдир.

*2001, август*

## ТҮРТ СҮЗ

«Нега ерга қарайсан, Раъно?»  
Бу сўзларда минг йиллик маъно.  
Соф муҳаббат, покиза сиймо,  
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Ерга тегиб турган киприклар,  
Иффат экиб турган киприклар,  
Қодирийнинг армоними ё,  
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Назокатми, нозми, хижолат,  
Малоҳат ё тилсиз ибодат?  
Ўнг келмоқдан чўчиган рўё,  
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Сен – беозор, хуркак бир кийик,  
Елканг узра рашқ, риё кийиб,  
Тишин қайрап жодугар дунё,  
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Армон қиласар кейин бир миллат,  
Сен – бир ибрат, гўзал бир миннат.  
Минг йил шундоқ қолурсан танҳо,  
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Нега ерга қарайсан, Раъно,  
Ишқ, вафонинг сўлмас баҳори?  
Сен – ҳаёнинг мангуб ёдгори,  
Нега ерга қарайсан, Раъно?

*2001*

## ЁДГОР ГУЛ

Бу ёруғ оламда бир гул туғилди,  
Ўртаб тирикларнинг жону жисмини.  
Боғда бор гулларнинг боши эгилди,  
Ёлгора деб қўйдилар гул исмини.

О, ҳаёт,  
Бир ширин кулчаларинг бор,  
Бешиклардан чиққан қўлчаларинг бор.  
Қатор қилгин энди сен бор гулингни,  
Қабул қилиб олгин ёдгор гулингни.

Бу дунё аслида алвон рангли гул,  
Ёдгора, Ёдгора, гўзал, мунгли гул.  
Кимни кутиб ўсдинг гуллар аро зор?  
Капалакларнинг ҳам оталари бор.

Сенинг хаёлингми тонгти шабнамлар,  
Мехрдан сўйлашса — кўзингда намлар.  
Эй, сен тоза ифор,  
Бокира, эй гул,  
Севгию соғинчдан хотира, эй гул!

Бизлар ҳаммамиз ҳам гулга ўхшаймиз,  
Гул суйиб, гул сочиб, гуллар тўшаймиз.  
Ҳаёт, муҳаббатдан кўйлак олиб бер,  
Шу ёдгор гулингга бахту толе бер.

2001

## МЕХР

Гуллар тўкиб баҳор кетар сўрингиздан,  
Эрта-индин ой ҳам кетар қирингиздан,  
Нима фойда кўнгилдаги кирингиздан,  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Майсалар ҳам бир-бирига суйкалади,  
Қаранг, ҳатто чумолилар тўй қиласи.  
Нечун ҳасад кўксингизда куй чалади?  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Бугун сизга оқ дастурхон тўшар ҳаёт,  
Таронани тоғорага қўшар ҳаёт.  
Ҳам сингил, ҳам ёрингизга ўхшар ҳаёт,  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Келолмагай энди ҳаргиз тупроқ ёриб,  
Отанғизнинг мозорлари бунча ғарип,  
Онанғизнинг изларини ўпинг бориб,  
Мехрингизни қизғанманг бир-бириңгиздан.

Дунёниң бу палладари топилмайды,  
Эшиклари түн-күн очиқ, ёпилмайды.  
Мехр кейин дўконларда сотилмайды,  
Мехрингизни қизғанманг бир-бириңгиздан.

2001

\* \* \*

Қора кўзли Гулпари,  
Шунчалар суюқмисан?  
Холанг сени эркалар,  
Қизмисан, кийикмисан?

Ерга боқсанг, ер – қуёш,  
Қирга боқсанг, қир – ойли.  
Сен холангдан гўзалу  
Холанг сендан чиройли.

Бир савдо бор, мен уни  
Дилга ҳавола қиласай.  
Кўчангдаги толингга  
Мен бориб нола қиласай.

Қизғини бўлар осмонлар,  
Қизил – асли қиз ранги.  
Кўчангдаги толдан ҳам  
Холанг сени қизғанди.

Дардларимни ўйноқлаб  
Ариқчалар қуй қиласар.  
Қора кўзли Гулпари,  
Холанг сени тўй қиласар.

Нурга тўлар уйлару  
Баланд-баланд айвонлар.  
Мен севги деб кетгайман,  
Юрагимда ҳижронлар.

1985

## АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Бу кунлар бебарорман, боиси – сен,  
Балою дард ароман, боиси – сен,  
Сени сендан сўрорман, боиси – сен,  
Сочингдай беқарорман, боиси – сен,  
Кўзингдай бадхуморман, боиси – сен.

Даҳр ёғинларин бошимға солғон,  
Ки тан сув бирла оташ ичра қолғон,  
Мени зулфинг залилу зор қилғон,  
Замонамдек эрурсан аҳди ёлғон,  
Замонда хору зорман, боиси – сен.

Қаро мижгонларинг кўз сарҳадида,  
Қаролик – қошларингнинг ҳар хатида,  
Юзинг васфин ёзурлар дастхатида,  
Юзинг васфи ҳисобсиз, ҳасратида  
Ҳисобсиз ғамга ёрман, боиси – сен.

Туну кун ёра дил тошига кўксим,  
Чидолмас кўҳна сирдошига кўксим,  
Кўйиб найсонларим лошига кўксим,  
Тўлибдур кўзларим ёшига кўксим,  
Кўярга бир хуморман, боиси – сен.

Яқомнинг бемаҳал бу чоки – сендан,  
Бу дарднинг тарки ҳам тарёки – сендан.  
Дилимнинг ўти сендан, хоки сендан,  
Хабарсизликда мен ҳаттоки сендан  
Хабарсиз бемадорман, боиси – сен.

1990 – 2002 й.

\* \* \*

Қирлар ҳам бир иссиқ жойга айланиб,  
Майсалар силкиниб гуллола бўлган.  
Менинг соғинчларим чойга айланиб,  
Онам қўлларида пиёла бўлган.

Қисмат супра ёиди, фалак қилди нон,  
Бир зум тиним билмас кайвони осмон.  
Қанча изтиробу қанча ғам, армон  
Унинг хамирига зувола бўлган.

Бир кўнгил торида шунчалар тугун,  
Ёр кезган гўшалар, қўчалар гулгун.  
Қиқирлашиб юрган ғунчалар бугун  
Зилола бўлган ё Ҳилола бўлган.

Фироқ-ла ёзилмиш севги тўплами,  
Қайда бойчечаклар таққан кўклами?  
Дарду ҳижронлари бари тўпланиб  
Жисму жоним аро сулола бўлган.

Япроқларга қўчди кўзёшим менинг,  
Ҳамон кўнглим билан талошим менинг,  
Тошлардан-да қаттиқ бир бошим менинг  
Дунё тошларига ҳавола бўлган.

2002

## ГУЛ

Сув юзида оқ хаёлдай гул юзар,  
Бу дунёнинг бир томони – сийму зар.  
Кўнгиллардай жимиirlайди бу сувлар,  
Бу дунёда бир сезги бор – Нилуфар.

Ойга айтсам, ой сенга юз бўларми?  
Гул ҳам шунча зору маъюс бўларми?  
Бир лаҳзада баҳорим куз бўларми?  
Сен – ўзга ёр, сен – кузги ёр, Нилуфар.

Юлдуз кўкда юлдузига нур сотар,  
Хаёлингдан бергил менга бир сатр.  
Элга менинг кимлигимни кўрсатар,  
Кўнгил деган бир кўзгу бор – Нилуфар.

Сенми дилнинг оқ ва нафис алами?  
Ёлғиз гулнинг ҳаётда кўп ҳаками,  
Мұхаббатнинг бўлмас ҳисоб рақами,  
Бу дунёда бир севги бор – Нилуфар.

2002

### ЭСКИ ТАШІБЕХ

Нола қилди най бўлиб қирқ йил қамиш,  
Оҳларимдан, ёр, келиб қирққил қамиш.

Қирқ қамишдай қийма-қийма қирқ йилим,  
Бир қамишимдир, ажаб, қирқ қилқамиш.

Бир кўнгилдан ер уза қирқ настаран,  
Қирқ гиёҳ унгай яна қирқ хил қамиш.

Том қилғил бу қамишлардинки, кўр:  
Ястанибдир йўлингга қирқ дил қамиш.

Сочларингни биз учун қирқ қилмадинг,  
Сенда қоматлар қамишу бел – қамиш.

2002

### ГИЛОСЛАБ

Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.  
Бундай неъмат битмиш ҳаёт боғинда,  
Мұхаббат боли бу – самар чоғинда.  
Шом чоғи, тун чоғи, саҳар чоғинда  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Назокат нуқтасин жим шивирлашиб,  
Аста пичирлашиб, секин сирлашиб,

Құш гилос яралмиш гүё бирлашиб,  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Титраб тегинсалар – сўзки, яраштай,  
Уларга сукут ҳам сезги яраштай,  
Бу лабларга фақат севги яраштай,  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Кўнгил деганларин шулар жоними,  
Ё ҳусн мулкининг шараф-шоними?  
Мен орзу қилганим – гилос қоними?  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Дилни не ҳавою не рангдан узай?  
Ҳижронга шувалган шевангдан узай.  
О ҳаёт, шу асал мевангдан узай!  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Бир кун япроғимни узгайдир фалак,  
Жоним олиб кетар самовий малак.  
Шунда ҳам кўкларда ўйласам керак:  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

2001

## САҲАР ТУРМОҚ ЁКИ ШАБНАМ САЙЛИ

(Андрей Вознесенскийдан)

Бинафшалар, бўтакўзлар,  
Капалаклар гулин излар.  
Бир рангларга кўмилгаймиз,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Тонг чоги бу – кавсар ҳаво,  
Асал ҳаво, ғазал ҳаво.  
Тоза наво, тиниқ сафо,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Салом бўлсин кўнғизларга,  
Оромижон анғизларга.

Сиз чўмилинг денгизларга,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Сизда баланд кошоналар,  
Ёмғир кўрмас тошойналар.  
Биз — гулларга ҳамхоналар,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Муҳаббат бир сайҳон эрур,  
Найсон эрур, найсон эрур.  
Айвонимиз осмон эрур,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Жимжимадор ҳовузингиз,  
Кезар нозли товусингиз.  
Ёқут сизнинг ҳовучингиз,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Бир шом чўқар хотирларга,  
Йиллар — ғадир-будирларга.  
Сиз қатнайсиз дўхтирларга,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Ҳозир сизга бари бирдай,  
Ҳали бир кун, қариликда  
Сиз ғамларга кўмилгайсиз.  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Биз дил очиб самоларга,  
Гиёҳларга термулгаймиз.  
Сиз чўмилинг тиллоларга,  
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

2001

## ҚИЗЛАР

Бунисининг исми Дилрабо,  
Кўзлари кўк, қошлари қаро.  
Қаро зулфлар остида холи  
Фитна билан тугал можаро.

Бунисини дерлар Зилола,  
Худди оқшомдаги ҳилол-а.  
Гулбаданга қара, Гул бадан —  
Бирлашишдир гүё гул ва тан.

Лайлого боқ, қиличдай Лайло,  
Қиз эмас бу, офат ё бало.  
Қиёматнинг словими бу?  
Мажнунларнинг заволими бу?

Қайдан келмиш бу атлас ёнғин?  
Раънога боқ — куйгину ёнгин.  
Кокилларин ёйса Пайваста  
Жонгинангдан умид уз аста.

Нозиккина турмиш Нодира,  
Фазаллардан гүё хотира.  
Зебо боқар Моҳларойимдай,  
Менинг тонгда тортган оҳимдай.

Нечун маъюс бу ой қизгина,  
Сенга нима бўлди, Мадина?  
Кийикмисан, гулми беозор?  
Бу дунёнинг сайёдлари бор.

Мұхаббат-чи, бир қиз бўлибди,  
Иzlаридан қирқ из бўлибди.  
Нурга тўлиб кетгай қирқ сарой —  
Бир жилмайса агар Гулчирой.

Ё, раб, кўнглим тутунларин еч,  
Бунисини мақтамайман ҳеч.  
Қизаргай ҳам қилгайдир ҳаё,  
Бунисининг исми...

2001

## **ОҚ ІҚАЛАР**

Ишим тушди сенинг оппоқ ёқачантга,  
Йил қанчага чүзилдию ой қанчага?  
Фасларни алмаштириб ранглар синди,  
Мен йиғлаган майсаларга чанглар инди.

Талабалик йилларимдан қолган хаёл,  
Сен бир ниҳол, нозиккина бир навшын.  
Мен соғиндим, қанча ёзу қишим учди,  
Сенинг оппоқ ёқачантга ишим тушди.

Хар тонг нағис капалакдай пайдо улар,  
Бир күрмасам, ўртанаман: қайда улар?  
Еқаларинг охир шайдо қилди мени,  
Талабалар ичра гадо қилди мени.

Менинг тоза, оқ, муаттар япроқларим,  
Оқ хаёлдай кечди дарсү сабоқларим.  
Еқаларинг қандай гүзәл фунун бўлди,  
Дорилфунун менга дорилжуунун бўлди.

Фаслларга ранг алмасиб синди ранглар,  
Мен йиғлаган варакларга инди чанглар.  
Диллар кўрдим — мисли сувнинг лойқалари,  
Кўнгилларга йўлиқдим — кир ёқалари.

Гилюсларнинг гулларидаи оқ муҳаббат,  
Ёшлигимнинг тонгларидаи пок муҳаббат,  
Кўлдан ғозим, қўлларимдан қушим учди,  
Яна оппоқ ёқачантга ишим тушди.

*2002*

## **МУҲАББАТ КОШОНАСИ**

Муҳаббатни ташлаб кетманг боғларга,  
Эрмак бўлар, хор бўлар у зоғларга.

Азал гўзал нишонаси бир гулдир,  
Муҳаббатнинг кошонаси кўнгилдир.

Марвариддай асраб юрса қиз уни,  
Хазонларга ташлаб кетманг сиз уни.

Ҳаволардан танлаб Момо Ҳаволар  
Юборгандир тонгда боди саболар.

Шабнамлардан олмиш рангу атрини,  
Пайпоқларта тенг этмангиз қадрини.

Азал ифор эшиклари бор ҳаёт,  
Асал, бедор бешиклари бор ҳаёт.

Диллар кейин етишмагай дилларга,  
Мұхаббатни ташлаб кетманг йилларга.

Күнгил шу деб күз очур ҳам күз юмур,  
Бутун умр, бори умр, бир умр

Кўксингизда олиб ўтинг доғларни,  
Мұхаббатга ташлаб кетинг боғларни.

2002

\* \* \*

Инжа, нозик хол тушибдур  
инжа бу лаб остида,  
Тушмиш ул андиша айлаб  
ўнг эмас, чап остида.

Ушбу холнинг ҳолатидин  
сен менинг ҳолимни кўр:  
Қалб аро минг битта доғу  
мингтаси қалб остида.

Қошу мижгонлардин ул  
холнинг қатор жаллоди бор,  
Охир ўлгумдир, ёронлар,  
бу қатор саф остида.

Эл аро овоза бўлдим  
холга мен кўнгил бериб,  
Ўтгай умрим, қолгум энди  
бир умр гап остида.

2002

\* \* \*

Чарақлайди тун ичра юзлар,  
Күлгүлари шарқирайдилар.  
О, бу қизлар,  
Бу оғат қизлар  
Қиличлардай ярқирайдилар!

Камон қошлар,  
Бу камон қошлар,  
Тиғсиз, ўқсиз яралайдилар.  
Жаллод күзлар,  
Қатыол қарашлар  
Қиличлардай чарақлайдилар.

Сүйган күнгил — саодатлидир,  
Султонга ҳам құлсингомадлар.  
О, бунчалар назокатлидир  
Қилич құллар,  
Қилич қоматлар!

Үз дилимни кулдиролмаган  
Мени — севгим ёди сүлдирап —  
Хеч қандай дард ўлдиролмагай,  
Қиличдайин қизлар ўлдирап.

2002

\* \* \*

Сочларинг тун ичра  
бір-бір сирлашиб,  
Олдилар жону  
жақоним бирлашиб.

Гоҳ қаро ёнғин бўлиб  
ёйилдилар,  
Гоҳи селу гоҳида  
ёмғирлашиб.

Икки қумри — икки дил  
тўр ичраким —

Титрашиб ҳам инграшиб,  
потирлашиб.

Құлларингга құлларинг  
бойландилар,  
Зулфларингга зулфларинг  
хотирлашиб.

Сен билан шундоқ  
үтойин дермано,  
Сочларингдай бирлашиб  
ҳам чирмашиб.

2002

\* \* \*

Ақлу ҳүшимни дилларга солдим,  
Лочин қүшимни құлларга солдим.

Миндим оловдай ишқ аргумоқин,  
Қирлардан оша үйларга солдим.

Гоҳи фалак ҳам қылди карамлар,  
Отимни чүлдан гулларга солдим.

Қайта яралдим ёр ишвасидан,  
Ҳижрон уйини елларга солдим.

Бўйнимга олдим кокилларини,  
Занжирларини қўлларга солдим.

Савдоларини бошимга тушган  
Қилдан ҳам нозик белларга солдим.

Куй бўлди жоним, сув бўлди жоним,  
Мен ўзни бундоқ селларга солдим.

Бундан қолар сўнг овозаларни  
Изимдан сўйлар тилларга солдим.

Бошдин оёқ бир йўл бўлди умрим,  
То бу кўнгилни йўлларга солдим.

2002

## ОЙ ИЗИДАН

(халқона)

Ой бу кеч сайҳондадир,  
Нур тўла хирмондадир.  
Ойни бу кеч кўрмаган  
Бир умр армондадир.

Оҳ, бунчалар тўлиндир,  
Ўн тўрт кунлик келиндири.  
Ой десам, эртакда йўқ,  
На хуру филмондадир.

Қиз боради сой билан,  
Челагида ой билан,  
Қилиқлари, нозлари  
Каклигу жайрондадир.

Қиз десам, ойча экан,  
Балдоги ёйча экан.  
Қоматию соchlари  
Жанжалу исёнладир.

Йил кечару ой кечар,  
Сувингдан ким ой ичар?  
Сенга етган кўнгилнинг  
Савлати қўрғондадир.

Жамолингга Яратган  
Тўлин ойни қаратган.  
Ерда сарсон қанча кўз,  
Қанча кўз осмондадир.

Оҳ, бу қандай ой, дилим?  
Кўксимдаги сой дилим.  
Вой дилим,вой-вой, дилим,  
Тошкану Сурхондадир.

2001

\* \* \*

Токи қўлларингда қўлим бор эди,  
Менинг титраб турган гулим бор эди.

Тола-тола бўлиб кетарди дунё,  
Ҳар тола сочингда дилим бор эди.

Ҳаваслар алдади сенинг кўнглингни,  
Менинг эса сенга кўнглим бор эди.

Ҳеч эди бор йўллар, токи сен томон  
Элтувчи биргина йўлим бор эди.

Ҳар лаҳза мангулик эди у пайтлар,  
На қиёмат ва на ўлим бор эди.

1987

### НЕГА?

Нега армон дедим, юракда  
Яшолмаган армонларимни?  
Нега китоб қилиб чиқардим  
Ёзилмаган достонларимни?

Нега кунларимга қўшдим мен  
Яшамаган дақиқаларни?  
Нега ерда дедим, ахтардим  
Осмондати ҳақиқатларни?

Ҳеч ким термаган-ку рақамларини,  
Бу телефон чинқирап нечун?  
Учмаган бу самолётларда  
Нима учун мен кетдим учиб?

Нега мен ичмаган қасамлар  
Кечалари мени қийнайди?  
Тақдир сизга тош отар, нега  
Менинг ойналарим синади?

1982

## БУ ЙҮЛЛАРДА

Бу йүлларда бошим эгик,  
Боши эгик гуллар, гуллар.  
Охир туфроқ бўлдим сизга  
Кўшилишиб йўллар, йўллар.  
Мендан на бир баҳор қолди,  
Мендан фақат ғубор қолди,  
Билмам қайга элтар мени,  
Қайга сочар еллар, еллар.

Куёш ботар, шом чўкади,  
Борлиқ чекар алам, алам.  
Жудолиғларнинг тўридан  
Тўқилган бу олам, олам.  
Бу йўлларда севгим йўқдир,  
Кезгим йўқдир, кезгим йўқдир,  
Фақат уфқлар ортидан  
Бир мунг келар: «Болам, болам...»

Бу йўлларда шундай кўйга  
Тушдим наҳот ёна-ёна?  
Кўнгил кўзгум қум бўлди-ку,  
Ун бўлди-ку сина-сина.  
Эсаверар шафқат билмай,  
Эсар айём шамоллари,  
Кўзингизга гардлар қўнса,  
Ўшал менман она, она...

1992

## КЎКСИМДАГИ ЗАНГОРЛАРИМ

(Ҳазрат Яссавийдан бир сатр)

Тонглар кетди, кунларимдан тонглар кетди,  
Кетган тонглар йилларимни онлар этди.  
Бир жонимни севгим юз минг жонлар этди,  
Кўнглим, сенинг давлатингдан шонлар кетди.  
Бу муттасил меҳнатларим битармукин,  
«Кўксумдаги зангорларим кетармукин?»

Күзёшимдан майса бўлган бўйроларим,  
Шомларимда жимираган Зухроларим,  
Кезган ерлар, адиrlарим, саҳроларим,  
Эшигимга чайқалибон дайроларим.  
Келса, бул ҳам фиғонимга етармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Сўйкансанг гар юз йил кўзу қошинг билан,  
Уринсант, ёр, юз йил қўлда тошинг билан,  
Сўнгра силаб мижгонларинг, сочинг билан,  
Яна юз йил ювиб ўтсанг ёшинг билан,  
Тадбирларинг дардимта кор этармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Уч минг йиллик чинор яна куртаклади,  
Эрта-индин яшил куйга буркалади,  
Оҳуларим – тоғларимнинг хуркаклари  
Кечалари таним ҳидлаб суркалади,  
Уларнинг ҳам дунёлари хатармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Бу дунёда ёр изладим дилга лойик,  
Бу дил энди елга лойиқ, селга лойиқ.  
Нур таратган соchlарини ёйиб-ёйиб,  
Бошим узра йиглаб турса минг малойик,  
Аламларим булуллардай ўтармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

1990

## ҚОР ЁФДИ

Қор ёғдию оқланди буткул еру осмонлар,  
Борлиқни қуршаб олди оқчопон посбонлар.

Қор ёғдию бу олам бир тунда майинлашиди,  
Битди гўё жисмида бори захму зиёнлар.

Бепоён бир эзгулик яралгандай, гўёки  
Қолмагандай жаҳонда ичи қора, ёмонлар.

Дараларда оқ тошлар оқ қўйлар сурувидай,  
Оқ қоялар, оқ тоғлар — оқ чакмонли чўпонлар.

Яссавий ҳикматлари ёғмиш гўё кўклардан,  
Ҳаммаёқда ёйилмиш оқ варақ, оқ девонлар.

Фақат бу ҳикматларнинг зимнига етмоқ керак:  
Қайдан келур одамзот, яна кетур қаёнлар?

Қошлари камонларнинг зулфи, мижгонлари қор,  
Баҳор қачон келади, эй қошлари камонлар?

Бутун борлиқ, бор олам илоҳий оқликка ғарқ,  
Бўлмагандай ҳеч қачон ҳеч хил давру замонлар.

1998

### УЧ КЎЗА

(Хайёмана)

Бир кўзала — меҳнатларим, заҳматларим,  
Бир кўзада — ғурбатларим, ҳасратларим.  
Армонларим чайқаладир бир кўзада,  
Ҳижронларим лойқалидир бир кўзада.  
Энди менга май тўла кўза келтиринг,  
Жом тўлдиринг, пиёла, кося тўлдиринг,  
Сипқорайин, токи битсин заҳматларим,  
Тамом бўлсин меҳнатларим, ҳасратларим.

2002

### УХЛАЁТГАН ГЎДАК

Сен ҳозир уйқуда.

Кўраётиссан

Тушларнинг энг ширин, асалларини.

Балки шуълалардан қураётиссан

Бахту иқболингнинг қасрларини.

Сенга садқа бўлса арзир бу жаҳон,

Бахш этиб гулларнинг аслларини.

Уйғониб қарши ол,

Яша беармон

Умрингнинг энг гўзал фаслларини.

2001

## ЁМФИРЛАР ВА КҮЗЁШЛАР

Йилларга ҳам ёмғир ёғар,  
Умримизга ўхшар боғлар.  
Хижрон бўлиб қолар тоғлар,  
Дилларга ҳам ёмғир ёғар.

Баҳорийми, кузгимизми —  
Биз излаймиз севгимизни.  
Бу ёмғирлар раҳм қилмай  
Ювиб кетар изимизни.

Ойларимиз сўлғин-сўлғин  
Сингилларга айландилар.  
Юзимиздан оққан селлар  
Кўнгилларга айландилар.

Соғинч қоплар хонамизни,  
Ўйлаб ёлғиз жонимишни,  
Биз қолдириб кетгайдирмиз  
Ёмғирларга онамизни.

Оқ бўйинли танноз дунё,  
Ўйнар тилло занжирлари.  
Кимни кутар ёмғирларда  
Она уйнинг тандирлари?

Биз орзу ҳам армонларнинг  
Ёқаларин кўтаргаймиз.  
Толе бир кун ёр бўлса гар,  
Ёмғирларда кўкаргаймиз.

2002

## УМИД

Умидсиз юрма оламда,  
умид омад кетургайдир,  
Агарчи дўстларинг кетгай,  
у ёнингда ўтургайдир.  
Умид — кўксингдаги боланг,  
умид — кўнглингдаги лоланг,

Агарчи ҳеч ишинг битмас,  
умид бир кун битургайдир.  
Тириклик кони заҳматдир,  
ҳаётинг гул бўлар бир кун,  
Умидим шулдир Оллоҳдан  
умидингга етургайдир.

2001

\* \* \*

Самарқанддай кўнглинг бўлса,  
Хивадай қалбинг,  
Кўксинг Оқсанойга салкам тенг бўлса.  
Руҳингда Андижон боғлари балқиб,  
Сурхон ерларидай бағринг кенг бўлса.  
Тонгларинг – қадим Шош тонгидай қутлуғ,  
Юрмасанг оламдан каму айродай.  
Ўтсайдинг Сирдарё сингари улуғ,  
Яшай билсанг эди Амударёдай.

2002

## СОВФА

Дунёнинг ярмиси – нур ва зиёдан,  
Ярми – ёзув-чизув, ярмиси – ғавғо.  
Қалам келтирдингиз Ёпониёдан,  
Дедингиз: Бу мендан сизларга совға.

Оlam мусофиirlар билан бедордир,  
Сайёҳлар ичра ҳам сиз мулло, ака.  
Дунёнинг энг гўзал қисми дийдордир,  
Дийдор қутлуғ бўлсин, Абдулло ака!

Бундай пайт кўргали дўсту ёрон ҳам  
Ўғиллари келгай, қизлари келгай.  
Сиздан, қучоқ очиб пешвоз олган дам  
Япон ёмғирларин ислари келгай.

Биз-чи, биз қаламни чўнтакка урдик,  
Гўё бўй қўшилди қад, бўйимизга.

Олис эллар ҳақда сұхбатлар қурдик,  
Сүнгра тарқаб кетдик уй-уйимизга.

Шоирлик нимадир?  
Дард билан ҳижрон.  
Қалам ҳам бир нени илғаса керак.  
Биз ухлаб қолғанда, тунлари пинҳон  
Билдирмай японча йиғласа керак.

2003

## ЭЛЛИКҚАЛЪА ТАШБЕХЛАРИ

*Невъматула оғага*

Азиз бўлди бу тупроқ ҳам –  
дилимдан саҳфалар кўмдим,  
Саҳифа сингари саҳросида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Куюк хатлар каби мозийси  
узра қарғалар кўрдим,  
Ҳазин бир лоласи маъвосида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Ҳилолидан фалак дарвозасида  
ҳалқалар кўрдим,  
Унинг Ерга яқин Зухросида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Тилимга Ақчакўлнинг мавжларидан  
лаҳжалар сўрдим,  
Сополининг синиқ имлосида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Кўзим юмдим, азим дарё аро  
Вақт сингари чўмдим,  
Бугун ҳам Эртанинг маъносида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Қуёшли қалъалардай қалбларин  
қошида ўй сурдим,  
Азиз инсонларин сиймосида ҳам  
қалъалар кўрдим.

2003

\* \* \*

Ҳазрати Хизрдай оппоқ булутлар  
Нигоҳбоним, диёр, кундуз ҳам тунда.  
Бу тупроқда ўтган барча улуғлар  
Азиз тупроқ бўлиб ястанмиш шунда.

Авайлаб сўйлатсанг ҳазон баргини,  
Етти иқлиmlарга ривоят бергай.  
Дил кўзига суртсанг тупроқ гардини  
Юз минг дил аҳлидан ҳикоят бергай.

Гарчи фалак чархи мақбаралардан  
Нақшлар кеткизган, ранглар кеткизган.  
Кўнгли ҳам, жисми ҳам садпоралардан  
Занги оталари занглар кеткизган.

Минг йиллик каломлар тўкилар тунда  
Чинор шоҳларидан – чироқ қўйгандай.  
Энг етук шеъринг ҳам туюлар шунда  
Онангнинг юзига оёқ қўйгандай.

2002

## БАҲОР СУРХОНДАН БОШЛАНАР

Оlamda соғинчлар  
Нақадар бисёр,  
Ҳар бир соғинчнинг ҳам  
Ўз ранг, туси бор.  
Ҳар йил «Ахборот»да  
Бир хабар такрор:  
«Бодомлар гуллади –  
Сурхонда баҳор».

Хар йил қиши ўртаси,  
Хар шому саҳар,  
Мен хабар кутгайман  
Сурхондан – хабар.  
Бир дамим минг йиллик  
Сабрлар бўлгай,  
Кунларим зер ила  
Забарлар бўлгай.

О, ҳаёт! Мен сенга  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу бўй  
Талашганим рост.  
Сенинг бор айрилиқ,  
Ҳасратларингни  
Битта бойчечакка  
Алмашганим рост.

Оlamda ғамлар бор  
Ниҳояси йўқ.  
Қанча дард, аламнинг  
Ҳикояси йўқ.  
Билинтиrmайгина,  
Аста, беозор,  
Ажид якун ясар  
Барига баҳор.

Бу тонг Бойсундаги  
Тоғлардан эниб,  
Бир ел бир севинчни  
Еткизди келиб.  
Кеч пайт «Ахборот»да  
Шу бўлди такрор:  
«Сурхонда бодомлар  
Гуллади. Баҳор».

О, баҳор! Мен сени  
Кутганларим рост.  
Йўлингга кўз тикиб  
Ўтганларим рост.

Дилни сувлар қилиб,  
Дилни сел қилиб.  
Яна ўз ичимга  
Ютганларим рост.

Бу кеч шамоллар ҳам  
Эрка, хуркаклар.  
Бу кеч қаламларим  
Ёзгай куртаклар.  
Менинг соғинчларим  
Гуллаган диёр –  
Онам айвонидан  
Келдингми, баҳор?

Бир тандир хизмати  
Бутун элга тан.  
Бир ноннинг тафтида  
Қанчалар Ватан.  
Бир сингил дийдори  
Гул янглиғ тансиқ,  
Бир юрт муҳаббати  
Күёшдай иссиқ.

Йигитлигин қўмсаб  
Боботогим ҳам,  
Қўкармиш, ёшармиш  
Бобо бофим ҳам.  
Майсаларин силаб,  
Бермайин озор,  
Отамнинг бошидан  
Келдингми, баҳор?

Келдингми ул ёғоч  
Сўриларимдан,  
Кумрилар севишган  
Мўриларимдан?  
Унда зуволалар  
Тутгай супралар,  
Офтобга чиққайлар  
Барча кўрпалар.

Чимилдиқдан чиққан  
Келинчак янглиғ,  
Бир күнлар бошланар  
Ифорлиғ, ранглиғ.  
Эсганды мұаттар  
Боди саболар,  
Ер ҳам күкка қылгай  
Нозу иболар.

Мен бу кеч күнглимини  
Торлар айладым.  
Бир чечак васлида  
Зорлар айладым.  
Баҳорим — умидим,  
Зори жонимсан,  
Сен — менинг дилдорим,  
Ери жонимсан.

Ирмоқдаги сув ҳам,  
Қадрига етсанғ —  
Етгайдир бир юртни  
Гар обод этсанғ.  
Озурда жонлар бор,  
Зор күнгиллар бор,  
Обод айлагайсан  
Эң аввал, баҳор.

Заҳматлар сунбулу  
Суманлар бўлгай.  
Фарзандлар соҳиби  
Чаманлар бўлгай.  
Азиз элдошларим,  
Сизнинг соғинчлар  
Менинг кўкрагимда  
Ватанлар бўлгай.

Тошкент осмонида  
Ажиб түғёнлар:  
Етиб келмиш бу кеч  
Абри найсонлар.

Келинг, ёмғирларим,  
Қалдирғочларим,  
Бағримда очиқдир  
Барча айвонлар.

Мен бу кеч рұхимни  
Зангор айладим.  
Сен бирлан умримни  
Рангзор айладим.  
Менинг йўлларимга  
Зору интизор  
Зангор қирларимдан  
Келдингми, баҳор?

О, ҳаёт! Мен сенга  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу бўй  
Талашганим рост.  
Сенинг бор айрилиқ,  
Ҳасратларингни  
Битта бинафшага  
Алмашганим рост.

\* \* \*

Минг йиллик ҳадислар  
Гуллаган диёр.  
Ҳикмат келтиргайсан  
Энг аввал, баҳор.  
Яъни, инсон умрин  
Бори ҳикматин:  
Эзгулик қийматин,  
Умр зийнатин.

Дунё – бир томони  
Ёнгинга тўла,  
Бир томони меҳру  
Софингча тўла.  
Нур ўйнар ўтларнинг  
Киприкларида,  
Ел кезар Ҳайратон  
Кўприкларида.

Ҳирот ёқларга ҳам  
Үтдингми, баҳор?  
Кўқдан раҳматларинг  
Тўқдингми, баҳор –  
Навоий бобомнинг  
Мозорларига,  
Мозорлари чеккан  
Озорларига?

Мангулик сорига  
Айлаган сафар,  
Мирзо Бобурдан ҳам  
Олдингми хабар?  
О, баҳор, бу дунё  
Сотилған дунё,  
Шоҳу султонларим  
Сочилған дунё.

Мен бу кеч бир азиз  
Онларга қайтай,  
Шомлардан сўз сўраб,  
Тонгларга қайтай.  
Ковак ёғочлардай  
Яшаб, оламда  
Бир бор гулламаган  
Жонларга айтай:

Ўтмаса кўкламнинг  
Чақинларидай,  
Ўшал чақинларнинг  
Ёлқинларидай,  
Умрин нечун яшар,  
Нечун, одамзот?  
Унинг ҳаётидан  
Унга не мурод?

Чўпонлар ўй суриб  
Олгунча мудроқ,  
Таёфи кўкариб  
Кетгувчи тупроқ,

Наҳот тупроқчалик  
Эмас одамзот?

Тақир чўлларни ҳам  
Айладинг бедор,  
Бизга ўргаттани  
Келдингми, баҳор?  
Шўртан тупроғининг  
Ёлқинларида  
Сенинг хосиятинг,  
Хислатларинг бор.

Кеча Самарқандда  
Сочиб ифорлар,  
Зангур гумбазлардан  
Ювдинг ғуборлар.  
Эртан бўй таратиб  
Андижонларга,  
Атлас кийгизурсан  
Марғилонларга.

Гулбаданбегимдай  
Безангай ҳаёт,  
Бир нурлар қўйнида  
Исингай ҳаёт.  
Бу гулшан диёrim  
Гулхона бўлгай,  
Мендай шоирларинг  
Девона бўлгай.

Майсажон, ай, тонгги  
Табрикларингдан!  
Ётиблар ўпайин  
Киприкларингдан.  
О, юртим! Оламга,  
Рўйи заминга  
Фақат баҳор ўтгай  
Кўприкларингдан.

\* \* \*

Нечун биз дунёда  
Ор-номус деймиз?  
Нечун мақсадларга  
Дил фонус деймиз?  
Нечун «Ватан» бизда  
Энг қутлуғ қалом,  
Темур деб қўйгаймиз  
Фарзандларга ном?

Ҳар бир гўдак бунда  
Султон, улугдек,  
Юлдузларга боқар  
Юз минг Улубек.  
Бағринг тўла сенинг  
Дарду оҳ, жаҳон.  
Қара, ўсар бунда  
Қанча Шоҳжаҳон.

Нечун бу тупроқда  
Ҳар бир лола — шеър?  
Юз минг боладан сўр,  
Бари — Алишер.  
Сўнмас гуур, шондан  
Бериб хабарлар,  
Ўсиб улгаймоқда  
Қанча Бобурлар.

Кеча Қаршидан бир  
Полвонча келди,  
Ўзи тўққиздаю  
Осмонча келди.  
Исми ҳам Алпомиш,  
Кўкраги — баланд,  
Улғайсам оламни  
Енгаман, дейди.

О, ҳаёт! Мен сенга  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу бўй  
Талашганим рост.

Сенинг бор айрилиқ,  
Хасратларингни  
Битта гул бешикка  
Алмашганим рост.

Осондир Ватан деб  
Фарёд айламоқ,  
Гап сотиб шаънини  
Барбод айламоқ.  
Лекин улуг ишдир –  
Ташвишин торта,  
Ватанда Ватанни  
Обод айламоқ,

Эҳ-ҳе, ҳали қанча  
Түғёнлар керак!  
Қанча пок туйгулар,  
Илҳомлар керак.  
Қанчалар шерюрак  
Темурхонлару  
Қанча арслонюрак  
Исломлар керак!

Нечун биз дунёда  
Ор-номус деймиз?  
Нечун мақсадларга  
Дил фонус деймиз?  
Баҳордай сертошқин,  
Баҳордай озод  
Яшаб ўтмаса гар,  
Нечун одамзот?

Бу элнинг кўксига  
Саболар келгай,  
Имом Термизийдан  
Дуолар келгай.  
Эрта қуёш ўзи  
Ерларга тушиб,  
Сен учун ризқ эккай,  
Насиба эккай.

Бу кеч ҳаволарда  
Дийдор иси бор.  
Бу кеч умидларим  
Барг ёзар такрор.  
Менинг соғинчларим  
Гуллаган диёр –  
Онам айвонидан  
Келдингми, баҳор?

О, ҳаёт! Мен сенга  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу буй  
Талашганим рост.  
Сенинг бор айрилиқ,  
Ҳасратларингни  
Битта қалдирғочга  
Алмашганим рост.

2002

## ВАТАННИ АНГЛАШ

Шабнам-шабнам тонгларда  
жайронларга айланган,  
Онанг сувлар септанды  
райхонларга айланган,  
Бир кечада соғинчинг  
осмонларга айланган,  
Соғинчларингдай зангор  
осмонлари Ватандир.

Дерлар ҳусну малоҳат  
вафо қилмас, арир у.  
Сен ёр десанг, тушдаги  
Лайлоларга арзир у,  
Ҳарирдан ҳам ҳариру  
паридан ҳам парирү,  
Сойларга соя соглан  
мижгонлари Ватандир.

Бешикларда ўйнаган  
оппоқ-оппоқ құлчалар,  
Күзмунчоққа сўйлаган  
кўзмунчоқдай кўзчалар,  
Очилган гул-ғунчалар,  
қанду асал кулчалар,  
Момоларинг тўй қилган  
айвонлари Ватандир.

Отанг солган уйлар бу –  
синчлари – бардошларга,  
Токлари ўхшаб кетар  
мўйсафид элдошларга,  
Томлар узра чўзилиб  
кўклар, ой, қуёшларга  
Узум узатиб турган  
нарвоңлари Ватандир.

Бир йигитта оламда  
ҳам ёру ҳам оп керак,  
Номуси баланд эрга  
на сўз, на гуфтор керак,  
Фарзандлари улғайса  
шерюрак, арслонюрак,  
Элнинг ҳар они, давру  
давроңлари Ватандир.

Оллоҳ ўзи буғдойинг –  
тиллоларга еткизгай,  
Қабогингнинг остидан  
балоларни кеткизгай.  
Оқсанрою Кўксарой  
дунёларга еткизгай,  
Ор-номусдан яралган  
кўрғонлари Ватандир.

2002

## ЭЙ ИНСОН!

Зоҳирингни танимокда бош, юз, қўл ва фут ва гўштдин ўзгани танимассен. Ботининг аҳволидин мунчалик билур-сенким, вақтики оч бўлсанг нон ерсен. Ва ташна бўлсанг сув ичарсен. Вақтики, ғазабинг келса бир кишига иззо бе-турсен. Ва шаҳват голиб келса хотун олурсен. Ва ҳама чаҳор-по ва ҳайвонлар бу ишларда сенинг бирла баробардурлар. Бас, сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилғайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсен ва не ерга бор-гунгдур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсен ва сени нима учун оварида қилибдур? Саодатинг не ишдадур?

*Абу Ҳомия Ғаззоли*

\* \* \*

Бир замонлар бу жаҳон Намруд эди,  
Ақли одам унда ҳам маҳдуд эди.  
Ул на эрди исми бору ўзи йўқ,  
Исми йўқ эрди vale мавжуд эди?

\* \* \*

Сени бор этди нечун, бир ўйлагил,  
Номдор этди нечун, бир ўйлагил.  
Ўтни Иброҳим Ҳалилга ул замон  
Лолазор этди нечун, бир ўйлагил.

\* \* \*

Келдинг оламга, бу олам сеники,  
Икки-уч кун тўю байрам сеники.  
Фофил ўтма бу узун навбат аро,  
Токи навбат сеники, дам сеники.

\* \* \*

Бу жаҳонга келдингу кетмак керак,  
Тавфу тоат этагин тутмак керак.  
Лаҳзалик елу насимдур бу жаҳон,  
Сендин ўтмасдин бурун ўтмак керак.

\* \* \*

Йиғладингми уйқуда, обод бўл!  
Лек ҳар дам гарқи фикру ёд бўл.  
Сен бу дунё уйқуси-чун йиғлагил,  
Охират бедорида то шод бўл.

\* \* \*

Сен яшарсан, ўз ғаминг, кўйинг учун,  
Гоҳи қасқонинг, гаҳи қўйинг учун.  
Зўр юмуш-чун Ҳақ яратмиши сени,  
Сени пайдо қилмади ўйин учун.

\* \* \*

Сен гулу тулғунчанинг аксидасан,  
Ҳар зиё, ҳар шуъланинг рақсидасан.  
Тўқису аслу тугал, эй, бехабар,  
Не яратған бўлса, сен аслидасан.

\* \* \*

Уч дарахтнинг соясидир бу жаҳон,  
Уч дарахтнинг соясин ўтмай у ён,  
Қай томондин келганингни англағил,  
Англағил ҳам кетмагингни қай томон.

\* \* \*

Сен бу дунёнинг қилу қолина боқ,  
Ҳам ўтар ону маҳу солина боқ.  
Асли ҳолингни агар билмоқ эсанг,  
Жар лабинда хору хас ҳолина боқ.

\* \* \*

Нафсинга аввал низолар истагил,  
Ҳар кунингга сўнг ризолар истагил.  
Истама қасрингга олтин поялар,  
Тавбадин синмас асолар истагил.

\* \* \*

Ўтди умринг, ўтди гул фаслинг сенинг,  
Тинмади ҳаргиз талош, баҳsing сенинг.  
Гарчи инсонсан шаклда, лек ҳамон  
Чўчқаю тўнғиз эрур нафсинг сенинг.

\* \* \*

Күнглинга дунё кирибдир ел каби,  
Бунча бисёрдур ҳавою матлаби.  
Худдики минг йил яшарсан, аслида  
Ҳар қадам қўйган еринг жарнинг лаби.

\* \* \*

Нафс не сўрса билурсан ўздин,  
Завқу шавқ айлаб тўлурсан ўздин.  
Ўйладингми, қасри бунёдинг надир,  
Сен қачон фони бўлурсан ўздин?

\* \* \*

Бунчалар кибру ҳаволар ичрасен,  
Нафс саҳнида сафолар ичрасен.  
Бир танинг ичра ҳазор ҳою ҳавас,  
Бир тан ичра минг балолар ичрасен.

\* \* \*

Сен ибодатлар саҳарлар айлагил,  
Дилни йўқликдан хабарлар айлагил.  
Сен ўтарсен бир куни, ўтмай бурун  
Ҳар даму ҳар он сафарлар айлагил.

\* \* \*

Сен аёну ноаён кетмоқдасан,  
Пурзиёну пургумон кетмоқдасан.  
Қанчалар «сен» бор сен ичра, сен билан  
Сен қаёну, сен қаён кетмоқдасан?

\* \* \*

Сенга ҳиммат этди, ҳиммат бирла кет,  
Ҳамда иззат этди, иззат бирла кет.  
Бир танангдин бош-оёқ Парвардигор  
Бунча ҳикмат этди, ҳикмат бирла кет.

\* \* \*

Не саодат, касби ҳиммат этса дил,  
Ўзни ҳикмат, кўзни ҳикмат этса дил.  
Бир умр ҳою ҳавасдин юз буриб,  
Бир умр Оллоҳга хизмат этса дил.

\* \* \*

Үтди, яксон бўлди неча олами,  
Сен ҳамон «Мен» деб турибсан, одами.  
Бошинг узра зўр хатар бор, бехабар,  
Тутсанг арзир то қиёмат мотами.

\* \* \*

Сендин аввал ҳам ҳама тўп-тўп эди,  
Сўнг миниб кетганлари тўрт чўп эди.  
Оlam аҳли бунча бадкирдор нечун?  
Сендин аввал ҳам гуноҳкор кўп эди.

\* \* \*

Ул гадой, ул жумла отдорлар қани?  
Ул унутқан ҳам у ёддорлар қани?  
Қайта кетди покиза гуфторлар,  
Ҳам Фаридиддин Атторлар қани?

\* \* \*

Гоҳида шоду гаҳи пурғам эдинг,  
Гоҳида пайдо, гаҳи мубҳам эдинг.  
Даҳр аро чексиз талошдинг, аслида  
Майса мижгонида бир шабнам эдинг.

\* \* \*

Ушбу дунё ялтироқ олтин эрур,  
Сон-саноқсиз эри бор хотин эрур.  
Қанчалар эрни қаро ер қилди у,  
Сени ҳам бир кун бориб додинг берур.

\* \* \*

Ақлу иймондин нечун қир қилмадинг,  
Ўзни ўзлик юртида ер қилмадинг?  
Бу жаҳоннинг молидан қирқиб, қийиб,  
Қирққа кирдинг, то ҳануз қирқилмадинг.

\* \* \*

Ўнгинга зар, тушларингга зар киур,  
Пояи қасринг, уйинг ҳам зар эрур.  
Бу жаҳон бозорида зўрман дема,  
Катта бозоринг сенинг Маҳшар эрур.

\* \* \*

Тилларингга сўз келмас Ул куни,  
Ёнинга бир дўст келмас Ул куни.  
Кўзларингда гар букун бордир тамаъ,  
Юзларингда пўст бўлмас Ул куни.

\* \* \*

Сабру иймон мисли бошу тан эрур,  
Бул икови бир бутун, яктан эрур.  
Кимдаким йўқдир сабр, иймони йўқ,  
Кимдаким бош бўлмаса, тан на қилур?

\* \* \*

Ўзни фикрат қаърига урдингми ҳеч,  
Юз юварда ўйлабон қўрдингми ҳеч:  
Қўлу юз кири кетар, кўнгил кирин  
Тавбалар сели била ювдингми ҳеч?

\* \* \*

Сен учун бир лаҳза у кўз юммади,  
Ўзни не ранжу аlamга кўммади.  
Аслида сен йиғлашинг эрди керак,  
Бунча кўп кулдинг, Муҳаммад уммати?!

\* \* \*

Ранги рўйинг бунчалар сўлмас эди,  
Қилмишинг минг бир варақ бўлмас эди.  
Ҳақни билсайдинг ҳақингни истамай,  
Ҳақдин ўзга сенга ҳақ бўлмас эди.

\* \* \*

Хоклари гар майсазордирлар сенга,  
Сўзламаслар, лек ёрдирлар сенга.  
Эзгу ишлардин аларга озиқ ол,  
Қабр аҳли интизордирлар сенга.

\* \* \*

Фунчайи бўстонлари сўлган дема,  
Кўзларига хору хас тўлган дема.  
Ҳақ йўлида кимки ўтди – барҳаёт,  
Ҳеч қачон ўлган дема, ўлган дема!

\* \* \*

Сени бори кўзёшинг шабнам эрур,  
Бори навҳанг бор-йўғи бир нам эрур,  
Сенга юқланган юмуш-чун, одами,  
То қиёмат йиғласанг ҳам кам эрур.

\* \* \*

Эллигингда элагингни кўтариб,  
Ўйладингми лол бўлиб ҳам кўкариб:  
Елдай ўтмиш кунларингнинг қанчаси,  
Қолгани қолгайми сени қутқариб?

\* \* \*

Бу жаҳон беш кечалик айвон эрур,  
Қанчалар кас ул аро сарсон эрур.  
Бир ҳадисдир асли айвон маъниси,  
Одамизод топмай андармон эрур.

\* \* \*

Гоҳ ўёлиб, гоҳ ўёлмай кетдилар,  
Оқибат бир сўз деёлмай кетдилар.  
Охират қасри учун куйгилки сен,  
Қаср қурғанлар куёлмай кетдилар.

\* \* \*

Айладингми таҳқиқ ҳеч дил мулкини,  
Зийнату зимну камолу кўркини?  
Ул малойик мулки эрди, сен нечун  
Молу дунё бирла тўлдирдинг уни?

\* \* \*

Бу даҳрин тез кеторинг билмадинг,  
Ҳам кетиб қайга еторинг билмадинг.  
Бунча кенг солдинг гуноҳлар кўпригин,  
Кил уза бир кун ўторинг билмадинг.

\* \* \*

Кўзни асра, кўзни беркит, кўзни ёп,  
Кўзни ёпгил, ўз ўз ичингдан Ўзни топ.  
То ажал илкис сени ёпмай туриб,  
Чора-тадбиринг кўриб, сен ўзни ёп.

\* \* \*

Руҳ билан жисмингни бир зум ўйлагил:  
Жисм тулпордир, руҳинг тулпорда бил.  
Токи бул тулпор санинг остиңгладир,  
Фикр қылғыл, фикр қылғыл, фикр қыл.

\* \* \*

Илм амал бирла бўлур тенг бирла у,  
Бўлмаса тенгдир қуруқ енг бирла у.  
Ушбу дунёдин эмасдир хуш амал,  
То қиёмат кетгуси сен бирла у.

\* \* \*

Хуш таом қылғыл сабр-тоқатни сен,  
Ухлагил кам, кам егил овқатни сен.  
Ҳам ибодатдин руҳингга сув қуийб,  
Дилни гусли айлагил тоатни сен.

\* \* \*

Сенга токи роҳу манзил берди Ҳақ,  
Умр берди, жоҳу маҳфил берди Ҳақ.  
Дил йўлида ранжу озор истаким,  
Сенга бундоқ гавҳари дил берди Ҳақ.

\* \* \*

Сен бадан илмидин ҳеч огоҳмисан?  
Қора невчун қошу соч, огоҳмисан?  
Ўйладингми, лабларинг олдир нечун?  
Недур асли таш ва ич, огоҳмисан?

\* \* \*

Сен азалдирсан азал ўрнинг билан,  
Ўйламассан ҳеч қачон қорнинг билан.  
Кўз билан кўрмассан ҳеч овозни,  
Тингламассан рангни ҳеч бурнинг билан.

\* \* \*

Қайга кетди дилпазир, дилбандлар,  
Сўзу гуфтори асал ҳам қандлар?  
Не насиҳат эрди айём ўтиши,  
Сен ўзингта айладингми пандлар?

\* \* \*

Эй, риёзат равзанидин беназар,  
Эй, күнгил дарсида бе зеру забар.  
Эй, ўзи ўзига душман, эй бало,  
Эй, муножот лаззатидин бехабар!

\* \* \*

Токи қалбинг ичра йўл қилди ҳасад,  
Бори ўнг йўлингни сўл қилди ҳасад.  
Яхшиликлар гулшанин жисминг аро  
Куйдириб кул қилди, кул қилди ҳасад.

\* \* \*

Ўтгуси оқу қора рўзу шаби,  
Умр – бир дарс, бир синовлар мактаби.  
Сен фикр қил, сен жадал қил, сен ўқи,  
Хар намозингни видолашган каби.

\* \* \*

Дил бу оламдин эмасдир, они бил,  
Ушбу оламнинг ғариб меҳмони дил.  
Лашкар эрса жумла аъзою танинг,  
Жумла аъзою танинг султони дил.

\* \* \*

Дил эрур подшоҳ, дил султон эрур,  
Ақл бул шоҳга вазир ҳар он эрур.  
Қаҳру шаҳватга асир бўлса вазир,  
Хор бўлур шоҳ, мулки тан вайрон эрур.

\* \* \*

Ҳар лаган, ҳар коса ой бўлмас нечун?  
Тош ва ёким тўнка сой бўлмас нечун?  
Етти қат ер, етти қатлам осмон  
Писта пўчогига жой бўлмас нечун?

\* \* \*

Үйқудин қай дил саросар бўлгуси –  
Ул ўлим бирлан баробар бўлгуси.  
Дилни уйғот, ўзни уйғот уйқудин,  
Үйқу ўлимга биродар бўлгуси.

\* \* \*

Дилни беркит, дилни дил қаърига соч,  
Дилга дилнинг қаърида ўзини оч –  
Ким, риёзат тешаси бирлан қазиб,  
Маърифатнинг чашмасин кўзини оч.

\* \* \*

Қанча шамлар ўчдилар, ҳушёр бўл,  
Ою дамлар кечдилар, ҳушёр бўл.  
Бу жаҳон – уч кечалик карвонсарой,  
Карвонлар кўчдилар, ҳушёр бўл.

/1996

## МУНДАРИЖА

Сўз йўли .....	3
Софинч торлари .....	4
Ватан десам .....	5
Наврўзона .....	6
Севинч .....	7
Дилбандлар .....	7
Асрбек .....	8
Бу – сенинг уйингдир .....	8
Инсон .....	10
«Менинг шеърим нима?» .....	11
Сурхоннинг қантак ўриғи .....	12
Туғилган ер .....	13
Қирқ баҳор ривояти .....	14
Айвондаги мусича .....	15
Навоий туғилган кун .....	15
То Навоий бор .....	16
Навоийни ўқиш .....	17
Тарих .....	18
Она юрт .....	19
Деҳқон мадҳияси .....	20
Шам .....	21
Уйғоқ йўллар .....	22
Чумолига ҳазил .....	22
Кўплардан қолган ковуш .....	23
Талабалик – очлик даврим .....	25
Шеърията кириш .....	27
Бизнинг ғазал .....	27
Шеърият .....	28
Ўзилган торлар .....	30
Ботир Зокировнинг «Раъно»си .....	31
Ўзбекнинг «Ёр-ёр»и .....	31
Марсия .....	32
Гўрт сўз .....	36
Ёдгор гул .....	36
Мехр .....	37
«Қора кўзли Гулпари» .....	38
Адаб Собир Термизий ғазалига мухаммас .....	39
«Кирлар ҳам бир иссиқ» .....	40

Гул .....	40
Эски ташбек .....	41
Гилослаб .....	41
Саңар турмоқ ёки шабнам сайли (A. Вознесенскийдан) .....	42
Қыздар .....	43
Оқ ёқалар .....	45
Мұхаббат кошонаси .....	45
«Инжа, нозик хол...» .....	46
«Чарақлады тун ичра юзлар» .....	47
«Сочларинг...» .....	47
«Ақду хушимни...» .....	48
Ой изидан .....	49
«Токи Құлларингда...» .....	50
Нега? .....	50
Бу йүлларда .....	51
Күксимдаги зангорларим .....	51
Қор ёғди .....	52
Уч күза .....	53
Ухлаёттан гүдак .....	53
Ёмғирлар ва күзёшлар .....	54
Умид .....	54
«Самарқанддай күнглинг...» .....	55
Совға .....	55
Элликқалъя ташбеклари .....	56
«Ҳазрати Хизрдай...» .....	57
Баҳор Сурхондан бошланар .....	57
Ватанинни англаш .....	66
Эй инсон! .....	68

*Адабий-бадиий нашр*

**СИРОЖИДДИН САЙИД**

**КУКСИМДАГИ ЗАНГОРЛАРИМ**

*Шеърлар*

*Toшкент «Maъnaviyat» 2004*

Муҳаррир *Ш. Илҳомбекова*  
Мусаввир *У. Салиҳов*  
Тех. муҳаррир *Т. Золотилова*  
Мусаҳҳих *Ҳ. Зокирова*

Теришга 28.04.2004 й.да берилди. Босишга 06.09.2004 й.да рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{12}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли б.т. 4,2. Шартли кр.-отт. 4,62. Нашр т. 3,24. 5000 нусха. Буюртма  
№ А-5885. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-үй. Шартнома 10—04.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-  
матбаа ижодий уйида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-үй.  
2004.

С 22

**Сайид, Сирожиддин.**

Кўксимдаги зангорларим: Шеърлар.—Т.:  
«Маънавият», 2004. — 80 б.

ББК 84(5У)6-5